

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

**“Бошланғич таълимдаги муаммоларни
бартараф этиш йўллари”**

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

ТОШКЕНТ - 2015

Ушбу методик тавсия РТМ ҳузуридаги “Бошланғич таълим” йўналиши бўйича Илмий - методик кенгашнинг 2015 йил 14 февралдаги ишчи гуруҳи йиғилишида муҳокама этилиб, фойдаланиш учун жойларга юборишга тавсия этилди.

Муаллифлар:

Н.Ахмедова, М.Иноятова, К.Матназарова

Такризчилар:

Н.Дилова – А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ катта ўқитувчиси;

Л.Ибрагимова – Республика Таълим маркази бошланғич таълим бўлими бош методисти;

Ю.Жаббарова – Тошкент шаҳар 26-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси.

КИРИШ

Бошланғич таълим барча таълимнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси: боланинг ўқишга бўлган ижобий муносабатини, бугунги кунда энг зарур бўлган ўқиш саводхонлиги, турли маълумотлар билан ишлаш, асосий математик амалларни билиш ва уларни кундалик ҳаётда қўллай олиш, мантикий ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ўзини тута билиш, ёзма ва оғзаки мулоқот маданияти қоидаларини эгаллаш, таълимий фаолиятни ташкил этиш каби кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида кенг қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан - кунга кучайиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, бошланғич таълимда замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг касбий салоҳияти ва маълумот даражаси, болалар психологияси, ҳозирги замон бошланғич таълим методикасини билиши ҳамда ўқитувчи тинмай ўз устида мустақил ишлаши фандаги барча янгиликлардан хабардор бўлиши илғор методикаларга эга бўлган тажрибали методист-ўқитувчилар билан ўз тажрибалари тўғрисида ўртоқлаша олиши, самарали ўқитиш методикаларини намоёниш эта олиши лозим.

Барча умумтаълим мактабларининг бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини ошириш замонавий педагогик, инновацион ва ахборот –коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни тақозо этади.

Ушбу таълим инновацияларини тарғиб қилиш ҳамда давра суҳбатларини ўтказишда бошланғич таълим хоналари намунали жиҳозланган, керакли кўргазма ва ўқув жиҳозлари, замонавий АКТ воситалари билан таъминланган ҳудудий малака ошириш институтлари негизида ҳар ойда бир марта ташкил этилади.

Ҳудудий малака ошириш институтлари Халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда бошланғич таълим методистлари ва малакали амалиётчи бошланғич синф ўқитувчилари билан ҳудуддаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган давра суҳбатлари, семинар – тренинглар мавзулари, масъуллар, иштирокчилар олдиндан белгилаб олинади ва малака ошириш институт ректори томонидан бу иш режа тасдиқланади. Ҳар бир ҳудуд ўзининг шарт-шароитидан келиб чиқиб, ижодий ёндошган ҳолда мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилган **давра суҳбатлари ва семинарларни** ташкил этиш тавсия қилинади.

Мазкур давра суҳбатларини ўтказишнинг асосий мақсади:

- ўқитувчиларни бошланғич таълимга оид мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган вазирлик раҳбарияти томонидан белгиланган устувор вазифалар ва амалиётга жарий этиш йўллари билан таништириш;
- бошланғич таълим фанлари кесимидаги дарсликларда мавжуд камчиликларни ўрганиш ва муҳокама қилиш;
- дарсликлар учун яратилган мультимедиа иловалар юзасидан ўқитувчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларини такомиллаштириш учун йиғиб олиш;
- бошланғич таълим мутахассисларини фандаги янгиликлар билан таништириш;
- бошланғич таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш.

Барча умумтаълим мактабларининг бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишда замонавий педагогик, инновацион ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни, метод бирлашма ишларини жонлантиришни, методистлар фаолиятини ривожлантиришни, бошланғич таълим ўқитувчиларини зарур илмий-методик ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашни, уларнинг методик маҳоратни ошириш учун узлуксиз малака оширишларини тўғри ва оқилона механизмларини амалга оширишни тақозо этади.

Асосий тушунчалар: методика, индикатор, инновация, интерфаол усуллар, кўникма, маънавий-ахлоқий мезон, музёраб усули, мулоқот, психологик муҳит, сардорлик хусусиятлари, стратегик фикрлаш, тақдирот, тренинг, кадрлар кетма-кетлиги.

Давра суҳбати ва семинар – тренинглар ўтказиш жараёни **80 дақиқага** мўлжалланган бўлиб, ҳар ойнинг охиригача жума кунининг иккинчи ярмида, ўқув жараёнидан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Ташкил этилган давра суҳбати ва семинар – тренинглар якунида бошланғич таълим методистлари ва малакали амалиётчи ўқитувчилар шахсий тажрибалари асосида тақдиротлар ўтказиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Мазкур давра суҳбатларини самарали ва сифатли ўтказиш мақсадида машғулотлардан намуналар келтирамиз.

I мавзу: “Соғлом фикрли бола давлатимиз таянчи” мавзусида давра суҳбати (80 дақиқа)

Давра суҳбати. Танишув” (10 дақиқа). “Музёраб” машқидан фойдаланиб, ўқув жамоаси иштирокчиларини бир-бири билан таништириш. Дўстона, самимий муносабатни ва ижодий муҳитни вужудга келтириш. Жамоа бўлиб ишлаш учун қулай шароит яратиш. Жамоада дўстона муҳитни юзага келтириш.

Давра - суҳбат. “Соғлом фикрли бола давлатимиз таянчи” мавзусида давра суҳбати (50дақиқа)
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг мазмунини қайта ташкил этишни ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этиш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, ўқув-тарбиявий жараёнининг сифат даражасини оширишни тақозо этиши, Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг яратилиши Ўзбекистоннинг халқаро талабларидаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил, ижодий тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айна пайтда шахсий инсоний сифатлари шаклланган билимли кадрларни тайёрлаш, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касбга ўргатиш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топтириш мақсадини кўзлаши, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда **таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб чиқиш кераклиги**, ташкилий-педагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, самарали таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши, барча ҳаракатлар **давлатимиз таянчи бўлган соғлом фикрли боланинг таълим-тарбия олишига қаратилганлиги** ҳақида фикрлар юритилади. Бунда бошланғич таълимнинг ўрни ва роли, унинг сифатини ошириш, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг

дарсларига ижодкорлик билан ёндашишни таъминлаш ҳамда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларнинг (АКТ) жорий этиш бугунги кундаги ечимини топиши зарур бўлган муаммолар ҳақида баҳс-мунозара ташкил этилади.

Хулоса: (10 дақиқа) “Соғлом фикрли бола давлатимиз таянчи” давра суҳбати бўйича фикрлар умумлаштирилади, чора-тадбирлар белгиланади хулосаланади. Бошланғич таълим методистлари ва малакали амалиётчи ўқитувчилар ўқувчи шахсини шакллантиришда, **соғлом фикрли болаларни тарбиялашда** бошланғич таълимнинг муваффақияти учун муҳим омил бўлиб ҳисобланган усулларни аниқлайдилар. Муаммоларнинг ечимини топадилар.

II мавзу: “Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш”мавзусида давра суҳбати (80 дақиқа)

Давра - суҳбати “Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш” (80 дақиқа).

“Рефлексия” машқи (10 дақиқа). Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр алмашув

Давра-суҳбат (60 дақиқа) **“Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш”.** Бошланғич синф ўқитувчисининг педагогик техникаси.

Ҳамкорликка асосланган таълимни амалга оширишда ўқитувчининг педагогик техникаси асосий кучдир. Чунки ўқувчиларни жипслаштириш, ҳамкорликка ундаш, фаоллаштириш ва билим самарадорлигини ошириш жуда мураккаб вазифа. Шундай экан, бошланғич синфларда ишлаганда бугунги **ЎҚИТУВЧИ** қуйидагиларга эътибор бериши керак:

1.Синфга доимо аниқ, тушунарли йўриқлар бера олиш, бунда ўқувчиларнинг ёши, физиологик- руҳий ҳолатларини инобатга олиш ва албатта ишнинг самарасига ижобий таъсир кўрсата олиш лозим.

2.Ўқувчилар бажариши лозим бўлган вазифаларнинг мураккаблигига қараб, кетадиган вақтни тўғри белгилаши керак.

3.Иш якунига кўра ўқувчиларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириш лозимлигини унутмаган ҳолда, қандай мукофот (ёки баҳо мезонлари) беришни ўйлаб қўйиш керак бўлади, чунки бу жараён ўқувчиларни жуда қизиқтиради ва улар ишларининг натижаси қандай якун топишини билишлари керак.

4.Савол-жавоб давомида ўқувчиларга тазйиқ ўтказмаслик, ўқувчилар билан самимий, очиқ муносабатда бўлиши лозим. Ўқувчилар ўқитувчини «Билимдон, ижодкор» деган киёфасида, яъни самимий ҳамкорни кўришлари зарур ва уларнинг барча фикрлари (айниқса, гуруҳники) қабул қилиниши лозим. Агар мулоҳазалар ўқитувчини қониқтирмаса, яъни ўқувчилар саволга бошқа йўналиш бўйича ёндошган бўлсалар, ўқувчиларга яна ўйлаб кўриш учун маълум вақт белгилаб, керакли йўналишга кичкина «туртки» бериб юбориши мумкин.

5.Ўқувчилар ишлаётганда ўқитувчи гуруҳ олдига бориб фақат кузатади, эшитади ва албатта ўзи учун белгилаб боради (ким? нима қилмоқда? қандай?) Вазифага тушунмаган ўқувчилар бўлса, яна бир бор тушунтиради; фикр билдираётганлар фақат фаол ўқувчилар бўлса, пассивларни ҳам қизиқтириб, мавзуга жалб қилиб боради. Ўқитувчи ўзлаштириши паст бўлган ёки ўз фикр- мулоҳазаларини айтиш учун қийналадиган ўқувчини гапиртира олса, албатта унинг фикрини дарҳол қўллаб - қувватлаб, синфга тавсия этиши лозим. Бу билан биринчидан, фикрини айтган ўқувчида ўзига ишонч туғдирса, иккинчидан, синф олдида мавқеи кўтарилишига таъсир кўрсатади.

Ўқитувчи ўқувчи билан оғзаки (ва ёзма) муомаладан ташқари хатти -ҳаракатлари ёки қиёфаси орқали ҳам мулоқот қила олади.

Бу ҳолатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- агар ўқитувчи беқарор (бошқа нарсаларни ўйлаб ўтирган ёки чалғиётган) ўқувчининг олдига келиб унинг бошини (елкасини) **силаб қўйса**, у тинчланади ва у ўқувчига **яқинлигини** (бефарқ эмаслигини) билдиради.

- агар ўқитувчи ўқувчига топшириқ (ёки савол) берганда унинг **қўзларига қараб (ёки тикилиб) турса**, аҳамият бераётганини кўрсатади. Демак, **кўриш** орқали (унинг ҳис туйғуларини билиш учун) **мулоқотга киришади**.

- агар ўқувчи жавоб бераётганда (ёки бирор савол бераётганда) ўқитувчи унга танаси билан **ўгирилиб юзма-юз** туриб олса, яъни бу ҳолат гапираётган ўқувчига қулайлик туғдириши билан бирга **яқинликни билдиради**. Шунинг учун ўқувчи билан гаплашаётганда унга тескари ўгирилган (ёки журнал ёзиб, дафтар текшириб ўтирган) ҳолатда унинг жавобини эшитиш, мулоқотга киришиш мумкин эмас.

- Ўқитувчи бирор бир ўқувчининг интизомни бузаётганини (ёки берилган вазифани бажармаётганини) кўрса, у ўқувчига қараб қошларини чимириб, унинг назоратда эканлигини билдириб қўяди. Синфдошига ёрдам бераётган ўқувчига эса, **маъқулловчи** ифодани билдирувчи **табассум** қилади.

Жавоб бераётган синфдошининг гапини (фикрини) бўлаётган ўқувчига (нисбатан) қараб қўлни олдинга чўзиб, кафтини кўрсатади (СТОП ёки ТЎХТА маъносида) ёки кўрсаткич бармоғини тик ҳолда лабига қўяди. Яъни ўзаро ҳурматни таъминлашга ҳаракат қилиши керак. Бу ўқувчи ўз фикрини баён қилиб бўлгандан сўнг, кейинги ўқувчига сўз берилади.

Баъзи бир сўзларга эътибор қаратиш учун, ўқитувчи овозини ўзгартиради. Масалан, овоз тонини, кучини кўтариши ёки аксинча, пасайтириши мумкин.

Хулоса: (10 дақиқа) “Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш” мавзусидаги давра суҳбати бўйича фикрлар умумлаштирилади, чора-тадбирлар белгиланади хулосаланади. Бошланғич таълим методистлари ва малакали амалиётчи ўқитувчилар бошланғич таълим **ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишда** муҳим омил бўлиб ҳисобланган усулларни аниқлайдилар. Муаммоларнинг ечимини топадилар.

III мавзу: “Математика дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш методикаси” мавзусида семинар-тренинг (80 дақиқа)

Семинар-тренинг: “Математика дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш методикаси”

I. “Танишув” “Музёраб” машқларидан фойдаланиб, ўқув жамоаси иштирокчиларини бир-бирилари билан таништириш. Дўстона, самимий муносабатни ва ижодий муҳитни вужудга келтириш. Тренинг қатнашчиларининг иштирокини жадаллаштириш, уларнинг ижодий имкониятларини ва шахсий сифатларини очиш. Жамоа бўлиб ишлаш учун қулай шароит яратиш. Жамоада дўстона муҳитни юзага келтириш. Гуруҳ динамикасини жадаллаштириш. Якка, гуруҳда, жамоада ишлаш.

Мунозара-суҳбат. “Математика дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш методикаси” .

1-4-синф дарсларида математика фанидан масалалар ечиш усуллари, интерфаол усуллардан фойдаланиб дарсларни ўтиш методикаси ҳақида фикр-мулоҳазалар кўп хонали сонларда нечтадан birlikлар борлигини топишда қийналган.

Тавсия: Мазкур аниқланган бўшлиқларни бартараф этишда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши талаб этилади:

Амалий машғулот (педагогик технологияларни қўллаган ҳолда интерфаол усуллар асосида ташкил этилади)

- дарсларни кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда, яъни ноанъанавий дарсларни ташкил этган ҳолда олиб бориш;
- олинган назарий билимларини амалиётга жорий этган ҳолда дарсларни ташкил этиш;
- замонавий интерфаол метод ва усуллардан ҳамда педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг ўзлаштиришида учраган пастликларнинг сабабларини ўрганган ҳолда дарсларни ўйин тарзда ташкил этиш ва ўқувчиларни дарс жараёнига жалб қила олишлари зарур ҳамда учураган салбий омилларни ўрганиб чиқишлари керак;
- Мавзуни тушунтириш жараёнида ўзаро ҳаётий мисоллар билан боғлаган ҳолда, табиий ҳодиса, жараёнларни кузатишга ва шулар асосида ўқувчиларни дарсга жалб қилган ҳолда тўлиқ тушунтириб бериши лозим. (масалан, ўлчов birlikлари мавзуси бўлса, кундалик ҳаётда учрайдиган маҳсулотлар билан тушунтириш яъни амалиёт билан боғлаш 1 литр сут, 2 кг шакар ва ҳ.к.)
- Мавзудан келиб чиққан ҳолда мавжуд бўлган турли ўқув ва мультфильмлардан, тестлардан (тестлар ҳам 2 хил кўринишда бўлади очик тест ва ёпиқ тестлар) фойдаланиш, мавзуга оид турли жиҳозлардан унумли фойдаланиш;
- Ўқувчилар олган билимларини албатта амалиёт билан боғлаган ҳолда ва ўқувчиларни дарсга жалб қилиб дарсларни ташкил этишлари талаб қилинади.

Шунингдек ҳозирги кунда математика фанидан жуда кўп мисол ва масалалар тўпламлари, қизиқарли математика ўқув адабиётлари нашр этилган. Ушбу фанга таалуқли қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, дарсларни мустаҳкамлаш қисмида фойдаланиб ўтиш ҳам ижобий самара беради.

Тарқатма материаллар. Жамоада, гуруҳларда ишлаш.

Хулоса: Ушбу фанда берилган мавзуларни янада қизиқарли қилиб, дарснинг қайси босқичида, яъни янги мавзу баёнида, мустаҳкамлаш қисмида ушбу қўлланмаларнинг ўрни каттадир ҳамда ўқитувчининг педагогик маҳоратига ҳам боғлиқдир. Ушбу қўшимча адабиётлардан фойдаланиб дарслар ташкил этилса ижобий самара беради.

IV мавзу: “Бошланғич синфларда таълим-тарбия сифатини оширишда ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланиш” мавзусида давра суҳбати (80 дақиқа)

Ўқитувчиларнинг юқори касбий тайёргарликка, педагогик маҳоратга, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, чуқур билимларга эга бўлиши, таълим-тарбия ишларида замонавий педагогик технологиялардан ўқув жараёнида фойдаланиш ҳозирги замон давр талаби ҳисобланади. Ҳозирда таълим муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун фанларни ўқитишнинг энг самарали замонавий педагогик технологияларини пухта билиш ва янгиликларни мунтазам кузатиб бориш талаб қилинади. Шундай ўқувчиларга бугунги кунда интерфаол усуллар жавоб беради. Бу усуллар таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришни кучайтириш, шахсий сифатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Интерфаол усулларни қўллаш таълим ва тарбия самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Интерфаол усулларни

қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил ўқиш, фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолатда ҳимоя қила билиш, соғлом рақобат, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.

Таълим жараёнида интерфаол усулларини қўллаш туфайли ўқувчи ахборотни яхши ўзлаштиради ва англаб олинган тажрибадан унумли фойдаланади. Бунда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчилар олдида юзага келган муаммонинг ечимини биргаликда излашни ташкил этиш билан бирга таълим жараёнини бошқаришда педагогик маҳоратини ва қобилиятини ривожлантириб бориши ҳам талаб этилади.

Халқимизда азалдан таълим жараёнида муҳокама, мунозара, музокара, мушоҳада, машварат, мушоира, мутолаа каби шаклларда инновацион усуллар қўллаб келинган бўлиб, бу усуллар ўқувчиларнинг нутқ, тафаккур, мулоҳаза, зеҳн, истеъдод, заковатларини ўстириш орқали уларни мустақил фикрлайдиган, комил инсонлар бўлиб етишишларига хизмат қилган. Ҳозирда ҳам таълим жараёнида инновацион усуллардан фойдаланиш - ҳар бир таълим берувчи ва таълим олувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилиб келинмоқда. Интерфаол машғулот турлари кўп бўлиб, улар таълим-тарбиянинг хусусиятлари ҳамда кўзда тутилган мақсадларга мувофиқ танланади ва бунга тегишлича тайёргарлик кўрилади. Интерфаол машғулотда иштирок этиш учун ўқувчиларга ўзига хос талаблар қўйилади, бу машғулотларда фаол иштирок этиш учун зарур билимларни ўзлаштирганлик, мулоқатга тайёрлик, ўзаро ҳамкорликда ишлаш, мустақил фикрлаш, ўз фикрини эркин баён қилиш ва ҳимоя қила олиш кўникмалари шаклланади.

Таълим жараёни самарали ва натижалли бўлишини кафолатлайдиган интерфаол методларининг айримларидан намуналар келтирилади.

V мавзу: “Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда АКТдан фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг

Дарсда АКТдан фойдаланиш қоидалари:

1. Такдимотингиз тузилишини тўғри тузиб олинг.
 2. Тўсатдан, бирданига, қизиқарли бошланг. Унутманг, биринчи таассурот узоқ чўзилади!
 3. Такдимотнинг 80%ини суҳбат учун ажратинг.
 4. Такдимотингизни қизиқарли қилинг (кўргазма, ажойиб ҳодисалар, латифалар, расмлардан фойдаланинг)
 5. Оз бўлсину –соз бўлсин!
 6. Агар тингловчилар махсус атама (термин) ва қисқартмалар билан таниш бўлмаса, ундай нарсаларни ишлатмасликка ҳаракат қилинг.
 7. Фаол бўлинг – бир жойда турмай, белгиланган доирада силжиб туринг.
 8. Сизни тушунаётганларига ишонч ҳосил қилиш учун уларнинг юзи ва қоматлари ҳаракатларини кузатиб туринг.
 9. Экран билан эмас, тингловчилар билан суҳбатлашинг.
 10. Тингловчилар сизни тинглашдан тухтамай туриб, сиз ўз сўзингизни тугатишга ҳаракат қилинг!
- Унутманг!* Маърузачи нафақат ёзиши, муҳаррирлик қилиши балки репетиция ҳам қилиши керак!

Дарс жараёнида ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши керак:

Дарс жараёнида ўтириш мумкин эмас.

Ўқитувчи вазифа бераётганда марказда туриб, яъни ҳеч қайси партага (айниқса биринчи парталарга) суянмасдан тушунтириши лозим.

Вазифа тушунарли бўлиши учун нафақат оғзаки, балки ёзма (доскага ёзиб мисол келтириш) ёки бир неча ўқувчилардан такроран сўраш мақсадга мувофиқ.

Топшириқ берилганда парталар аро юриб назорат қилиш ва тушунмай қолган ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш керак.

Ўқувчиларни рағбатлантириш учун “Сехрли сўзлар”дан (раҳмат, миннатдорман, ташаккур ва х.з) фойдаланиш уларнинг дарсга бўлган қизиқишини оширади.

Ўқитувчи мавзуни досканинг олдида тушунтираётганида доскага қараб эмас, балки ўқувчиларга юзланиб тушунтириши керак.

Ўқитувчи доска олдида ишлаётганда кўрсаткич таёқчаси (указка)дан фойдаланиши мумкин, лекин парталар аро юрганда уни досканинг олдида қолдириши керак.

Синфда пайдо бўлган шовқинни тинчлантириш учун кучли овозлардан, яъни столга ёки партага куч билан уриш, ручкани тақиллатиш, баланд овозда бақириш мумкин эмас. Балки, диққатни жамловчи машқлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Доскада ёзувлар устига кўргазмаларни илмаслик керак

Кўргазмалар навбатма –навбат, ўз вақтида намоёйиш этилиши ва жуда кўпайиб кетадиган вақтда уларни камайтириб, доскадан олиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Кўргазмадаги расм ва ёзувлар охириги партада ўтирадиган ўқувчиларга ҳам тушунарли бўлиши керак.

Ўқитувчи шундай ҳаракатланиши керакки ўтирган ўқувчилар кўрқувни, хавотир, хаяжон ва ҳимоясиз эканликларини ҳис қилмасликлари керак. Бу борада М.Монтессори ўз тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидагиларни ёзган: «Мен ҳимоясизлигимда кўрқувни ҳис қиламан, шунинг учун ҳимоясиз боланинг ички дунёсига алоҳида меҳр билан ёндошаман...»

Хулоса: “Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда АКТдан фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг бўйича фикрлар умумлаштирилади, чора-тадбирлар белгиланади хулосаланади.

VI мавзу: “Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг мантиқий, ижодий ҳамда мустақил фикрлаш қоблиятини ошириш усуллари” мавзусида семинар-тренинг (80 дақиқа)

Бошланғич таълимнинг асосий мақсади: боланинг ўқишга бўлган ижобий муносабатини, бугунги кунда энг зарур бўлган ўқиш саводхонлиги, турли маълумотлар билан ишлаш, асосий математик амалларни билиш ва уларни кундалик ҳаётда қўллай олиш, мантиқий ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ўзини тута билиш, ёзма ва оғзаки мулоқот маданияти қоидаларини эгаллаш, таълимий фаолиятни ташкил этиш каби кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир.

№	Ўтказиладиган ишлар мазмуни	Ўтказиш шакли	Зарур жиҳозлар	Вақти
1	Танишув “Исмлар маъноси” машқи	Якка тартибда ишлаш	Маркерлар, бейжиклар	5 мин
2	1.Гуруҳларга бўлиниш: “Ортиқчасини топ” методи, 2.“Келинг танишайлик” машқи 3. Гуруҳ тақдимоти	Гуруҳда ишлаш	Проектор, компьютер Power Point Тақдимоти Рангли қоғозлар, маркерлар, скоч, қайчи, клей.	5 мин 5 мин 5 мин
3	“Симпсон саҳроси” машқи индивидуал ишланади Гуруҳда ишланади	Якка тартибда ишлаш гуруҳларда	Проектор, компьютер Power Point	5 мин

	Гуруҳ тақдимоти	ишлаш	Тақдимоти Индивидуал тарқатмалар	5 мин 5 мин
3	Бошланғич таълимни мазмунан такомиллаштириш ҳамда ўқув жараёнининг методик ва мультимедиа маҳсулотлари ахборот таъминоти масалалари Power Point тақдимоти	Кичик маъруза	Проектор, компьютер Power Point тақдимоти	10 мин
4	Бошланғич таълим дарсларида “Идрок харитаси”, “БББ”, “Венн диограммаси”, “Тушунчалар тахлили”, “Инсерт”, “Синквейн” ; “Органайзерлар”, “Тақдимо” методларини қўллаш усуллари	гуруҳларда ишлаш Гуруҳ тақдимоти	Проектор, компьютер Power Point тақдимоти Рангли қоғозлар, маркерлар, скоч, қайчи, клей.	20 мин 10 мин
7	“Активатор 3-2-1” машқи	Якка тартибда	Шахсий фикрлар билдирилади	5 мин
9	Жами:			80

Семинар-тренинг мазмуни

1. Семинар анъанавий шаклда бошланади. Иштирокчилар билан саломлашиб уларга семинар-тренингнинг мақсади тушунтирилади.

2. Танишув – “Исмлар маъноси...” машқи

Машқнинг мақсади: Дўстона муҳитни яратиш, иштирокчиларни бир-бири билан таништиришдан иборат.

• Машқни бошлаш учун иштирокчиларга бейжиклар ва рангли маркерлар тарқатилади. Иштирокчилардан ўз исmlарини бейжикка ёзиб қўйишлари сўралади.

Муҳокама:

3. Ушбу машқнинг аҳамияти қандай?

4. Ўзингизни қандай ҳис этаяпсиз?

5. Машқ сизга ёқдими, нима учун?

6. Ушбу машқдан дарсларда фойдаланиш мумкинми? Қандай фанларда ва қандай мақсадларда?

• “Ортиқчасини топ” методи орқали слайдда келтирилган ортиқча сўзлар аниқланади. Ушбу сўзларнинг инглиз тилидаги таржимаси аниқланади ва иштирокчилар инглиз тилида таржима қилинган сўзларни кетма-кет айтиб шу асосда гуруҳларга бўлиниб олишади. (**мактаб-school, маҳалла-street, оила-family, бола-child**)

• Гуруҳлар шакллангач, берилган топшириқ асосида улар гуруҳ тақдимотига тайёргарлик кўришади .

• Гуруҳ тақдимоти. (**ҳар бир гуруҳга 2 минутдан**)

• “ Сипмсон саҳроси” машқи орқали гуруҳ лидери танлаб олинади.

Ушбу метод билан дарс жараёнида аввал ҳар бир тингловчининг шахсий нуктаи-назари аниқланади, сўнг эса гуруҳ (жамоа)нинг фикри билан ўз фикрининг қанчалик даражада ҳамоҳанглиги ёки қарама-қарши эканлигини таққослайди. Шу тарзда гуруҳда қайси тингловчининг фикрига таянилса, ўша шахс гуруҳ лидери этиб тайинланади.

Ўтказиш босқичлари:

1-босқич: “Симпсон саҳроси” методининг муаммоси ўқиб берилади

Матн: *Февраль ойининг ўрталарида эрталаб соат 10 ларда сиз учган самолёт Австралия марказида жойлашган Симпсон саҳросида техник носозлик сабабли қўнишга мажбур бўлади. Енгил 2 моторли самолётнинг учувчиси ва учувчи ёрдамчиси ҳалок бўлади. Самолёт ҳалокатга учрагунга қадар учувчи бошқарув марказига сизнинг координатларингизни беришга улгурмади. Фақат самолёт ҳалокатга учрагунга қадар сизнинг белгиланган жойдан узоқлашганингиз учини планида кўрсатилганидан 65 миль (1миль = 1609 м)га ўзгаргани аниқланди. Ҳалокатга қадар учувчи сизга шу яқин атрофдаги энг яқин аҳоли пункти бу ердан 70 мил жанубий-ғарбий томонда жойлашган кончилар лагери эканлиги ҳақида маълумот берган эди. Воқеа содир бўлган жой фақат тикансимон ўсимликлар ва қумликлардан иборат бўлиб, ҳаво ҳарорати 54 градус иссиқни кўрсатади. Сиз енгил кийингансиз. Чўнтагингизда 2 доллар 83 цент пул ва шарикли ручка бор.*

2-босқич- Муаммо: самолёт ёниб кетишидан олдин сизнинг гуруҳингиз 15 та буюмни сақлаб қолишга эришди.

Топшириқ: ушбу 15 та буюмни саҳрода тирик қолишингиз учун муҳимлиги нуктаи назаридан кетма-кетликда жойлаштиринг. Бунда, 1 балл энг керакли буюмга ва 15 балл энг кераксиз буюмга беришингиз керак.

3 босқич- ҳар бир гуруҳ аъзоси аввал индивидуал тарзда буюмларнинг зарурлик даражасини белгилаб чиқади. Бунда жамоанинг барча аъзолари ўз ишини тугатгунига қадар кутиш талаб қилинади. Санаш усули ёки бирор қоидага асосланиб, тингловчилар гуруҳларга бўлиниб олишади ва “Симпсон саҳроси” бўйича берилган топшириқни бажарядилар.

4 босқич- ушбу топшириқ гуруҳда ҳамкорликда бажарилади.

№	Сақлаб қолинган буюмлар номи	Индивидуал	Гуруҳда
1	Чўнтак фонари (4 батареيلي)	7	3
2	Қаламтарош	2	1
3	Ҳалокатга рўй берган жойнинг авиацион харитаси	4	9
4	Катта пластмассали плащ	9	14
5	Магнитли компас	12	10
6	Санитар қутиси	14	11
	Чўнтак ойначаси	13	4
8	Кизил-оқ рангли парашют	10	8
9	1000 дона туз таблеткалари	8	5

10	Ҳар бир киши учун 2 литрдан сув	1	2
11	Истъемол қилиш мумкин бўлган чўл ҳайвонлари ҳақидаги китоб	3	12
12	Ҳар бир киши учун 1 тадан қуёш нуридан сақловчи кўзойнак	5	6
13	Ҳар бир киши учун 1тадан пальто	6	13
14	ва ҳакозалар.		

Топшириқ гуруҳда ҳамкорликда бажарилгач, қайси гуруҳ аъзосининг фикрига таянилганлиги аниқланади ва ўша тингловчи гуруҳ лидери этиб тайинланади.

Кичик маъруза:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маърузаларида “2014 – йил Соғлом бола йили” деб эълон қилинди ва қуйидаги фикрлари баён этилди:

“Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр – бу бошланғич синф давридир... Қабул қилинган дастурда бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак.”

“Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 71-банди ижросини таъминлаш мақсадида 1-синф ўқитувчилари учун яратилган 7 номдаги методик қўлланмалар ва дарсликларнинг мультимедиали иловалари ҳақида сўз юритилади.

Дарс мураккаб жараён бўлиб, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Ўқувчиларни фаоллаштириш учун эса педагогик технологияларнинг илғор усулларида ўйин, баҳс, суҳбат, викторина, мусобақа, саёҳат, семинар, давра суҳбати, ролли ўйинларни қўллаш, китоб билан ишлаш ва амалий машқларга кўпроқ вақт ажратиш лозим. Бунда ўқувчиларга бир-бирларининг фикрини тўлдиришига имконият бериш, ўқувчи фикрини билишга ҳаракат қилиш, машғулотларда ўқувчиларни имловий ва пунктуацион малакаларини пухта шакллантиришга йўналтирилиш, матн билан ишлаш, шу асосда мустақил матн туздириш, машқларга кўпроқ эътибор қаратиш керак бўлади.

Бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган бу ишлар, ўқитувчининг ўз дарсларини ташкил этишда илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш учун шароит яратади.

Таълим соҳасида мультимедиа воситалари ёрдамида ўқувчиларга билим бериш афзалликлари нимада?

(Иштирокчилар томонидан берилган жавоблар эшитилиб уларни умумлаштирилади.)

Таълим соҳасида мультимедиа воситалари ёрдамида ўқувчиларга билим бериш афзалликлари. Таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги.

Таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқини янада ошиши. Дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имкониятига эришилиши.

Хулоса: *Биз ҳамкорликни муваффақиятли бўлишини таъминловчи далиллар ҳақида суҳбатлашдик. Ушбу далиллар ҳамкорликнинг қайси йўналишида бўлишидан қатъий назар унга ижобий таъсир кўрсатади. Келинг ишимизни давом эттирган ҳолда*

Бошланғич таълим дарсларида “Идрок харитаси”, “БББ”, “Венн диаграммаси”, “Тушунчалар таҳлили”, “Инсерт” , “Синквейн” , “Органайзерлар”, “Тақдимот” методларини қўллаш усуллари бўйича кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаймиз.

Мустаҳкамлаш: “Ассесмент техникаси” бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш. Тингловчилар семинар тренинг якунида олган билимларини баҳолайдилар.

Яқун ясаш:

“Активатор -3-2-1” маиқи

Иштирокчиларга бугун қандай мавзу ва методик қўлланмалар билан танишганларини, интерфаол методларнинг номларини ёдга олдиринг. Сўнг иштирокчилар ўз варақларига берилган вазифани якка тартибда бажаришларини илтимос қилинг.

1. Эсимда қолди -3та (ғоя, фикр мавзу...)
2. Муҳим бўлди -2та (ғоя, фикр мавзу...)
3. Зудлик билан қўллайман -1та (ғоя, фикр мавзу...)

VII мавзу: “Соғлом бола –соғлом келажак пойдевори” мавзусида давра суҳбати (80 дақиқа)

Ҳар бир ёшда болага таълим- тарбия беришнинг ўзига хос ва мос бир қатор муҳим қонун–қоидалари борки, унга қатъий амал қилиш таълим - тарбия ишини самарали бўлишини таъминлайди. Бу қонун–қоидаларни нисбий равишда умумий дейиш мумкин, чунки **ҳар бир бола – алоҳида сайёра**, улар ҳар бирининг ўзига хос шахсияти, аҳамияти, руҳияти ва хулқ–атвори бор, шу боис шунга қараб муомала қилиш даркор. Шунинг учун таълим- тарбияда ўқитувчининг масъулияти, маҳорати, феъл-атвори, обрў–этибори муҳимдир. Бошланғич синфда алоҳида фанлардан (меҳнат, расм, мусиқа, хорижий тиллар) дарсга кирадиган ўқитувчилар ҳам ҳар бир ўқувчи ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишлари керак. Ўқув жараёнини самарали ўтиши аксарият пайтларда ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Барча жараён мулоқот орқали амалга ошади. Мулоқотга киришганда педагог имкон қадар ҳамманинг кўзини кўриб туриши, хона бўйлаб ҳаракат қилиб туриши керак. Чунки ўқувчи ҳадеб бир томонга қараб турган ҳолда диққатини жамлаб туриши қийин. Вақти–вақти билан педагог жойини ўзгартириб туриши, ўқувчи бошини у томонга ўгириши билан диққатини яна жамлаб тинглашига ёрдам беради. Ўқувчиларга таъсир кўрсатишда педагогнинг товуши ҳам катта роль ўйнайди. Ўз ҳис–туйғуларини ўқувчига етказа олиши, унинг ҳам қалбида турли ҳис–туйғуларни сезишига олиб келади. Чунки буюк аллома Абу Али ибн Синонинг таъбирича: «Ҳис ички руҳга қаттиқроқ таъсир этади ва уни ҳаракатга солишда ақлдан кучлироқдир».

Педагог доимо ўқувчиларини тартибга, тарбияга чакиради, бироқ психологларнинг кузатишларича, бу жараён ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермайди.

Шунинг учун психологлар қуйидагиларни тавсия қиладилар:

- бола сабр тоқатли бўлади, агар сабр–қаноатли инсонларни учратган бўлса,
- бола қатъиятли бўлади, агар уни қўллаб–қувватлаб турсалар,
- болада ишонч шаклланади, агар ҳеч нарса (ёки ҳеч ким) дан қўрқмаса,
- бола адолатпарвар бўлади, агар ҳаққоний ўйинда иштирок этган бўлса,

- бола меҳр–мурувватли бўлади, агар дўстликни ҳис қилган бўлса,
- бола севишни ўрганади, агар атрофдагиларнинг муҳаббати ва қайғуришини кўрган бўлса.

Шундай экан, бола билан ишлаётган вақтда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш тавсия этилади. Бола ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай ўзгариш унга турлича таъсир кўрсатиши ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун дарслар бир хил типда ва синф тарбиявий соатлари бир хил: кимнидир уришиш, муҳокама қилиш ёки тарбиялаш билан эмас, балки қизиқарли ривожлантирувчи машғулотлар ўтказиш, фикрлашга ундовчи ривоят, воқеа ёки ҳикоялар муҳокамалари орқали таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш зарурдир.

Мана шу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларга таъсир ўтказиш йўлларини топиши керак. Айниқса меҳрибонлик, хушмуомалалик ва ширинсўзлик, болалар шахсини ҳурмат қилиш каби фазилатлар ўқитувчининг қалб бойлиги ҳисобланади. Мана шу бойлик орқасидан у халқ орасида ҳурмат-иззат топади, мурғак қалбларнинг сеvimли устозига айланади ва ўқувчилар томонидан бир умр ҳурматга лойиқ инсон сифатида ардоқланади. Бошланғич синф ўқитувчиси хушмуомала бўлмас экан ўқувчилар орасида аҳлиқ, тотувлик, ўзаро ҳамжихатлик каби эзгу хислатлар кўзга ташланмайди. Бу бизнинг миллий қадриятларимизга ҳам, педагогикамизга ҳам зид.

VIII мавзу: “Мураккаб мавзуларни ўтиш бўйича дарсларни интерфаол методлар асосида ташкил этиш” мавзусида семинар-тренинг (80 дақиқа)

Мақсад:

- Бошланғич таълим дарсларида фанлар кесимида мураккаб мавзуларни ўқитиш усуллари ўргатилади.
- Ўқитиш жараёнига илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан ўринли фойдаланиш тавсия этилади.
- Бошланғич таълим дарсларида натижавийлиги кафолатланган интерфаол методларни қўллаш йўлларини ўрганиб оладилар.
- Ижодкор ва тажрибали ўқитувчиларнинг ишлари ўрганилиб, оммалаштириш учун тавсия этилади.

№	Ўтказиладиган ишлар мазмуни	Ўтказиш шакли	Зарур жиҳозлар	Вақти
1	Танишув “Мен кимман” машқи	Якка тартибда ишлаш	Маркерлар, бейжиклар	5 мин
2	1. Гуруҳларга бўлиниш: 1- 4 гача санаш методи орқали гуруҳларга бўлинишади 3. Гуруҳ тақдими	Гуруҳда ишлаш	Проектор, компьютер Power Point Такдими Рангли қоғозлар, маркерлар, скотч, қайчи, клей.	5 мин 10 мин
3	Бошланғич таълим дарсларида фанлар кесимида мураккаб мавзуларни ўқитиш усуллари ўргатилади Power	Кичик маъруза	Проектор, компьютер Power Point	15 мин

	Point тақдимоти		тақдимоти	
4	Бошланғич таълим дарсларида “Идрок харитаси”, “БББ”, “Венн диаграммаси”, “Тушунчалар таҳлили”, “Инсерт”, “Синквейн” ; “Органайзерлар”, “Тақдимот” методларини қўллаш усуллари	гуруҳларда ишлаш Гуруҳ тақдимоти	Проектор, компьютер Power Point тақдимоти Рангли қоғозлар, маркерлар, скотч, қайчи, клей.	20 мин 20 мин
6	“Ижобий туйғулар пирамидаси”	Жамоа бўлиб ишлаш	Проектор, компьютер Power Point тақдимоти	5 мин
7	Жами:			80

Семинар-тренинг мазмуни

Машқнинг мақсади: Дўстона муҳитни яратиш, иштирокчиларни бир-бири билан таништиришдан иборат. Машқни бошлаш учун иштирокчиларга бейжиклар ва рангли маркерлар тарқатилади. Иштирокчилардан ўз исмларини бейжикка ёзиб қўйишлари сўралади.

Кичик маъруза:

Ўқитиш ва ўқиш жараёнларининг энг муҳим омили таълим жараёнидир.

У маълум бир ўқув фанини ўрганиш мақсади ва мазмунидан ва ёки тарбиявий таъсир мазмунидан келиб чиққан ҳолда шаклланади ва ушбу таълим шаклининг асосий мазмунига мос келади. Мақсад таълим берувчи ва таълим олувчининг умумий натижаларга қараб ҳаракатланишини белгилайди. Шунга кўра биз уни ташхисли ифодалашимиз керак, яни мақсад шунчалик аниқ ва маълум бўлиши керакки, унда қуйидагиларга эришиш:

♦ шундай дидактик ва тарбиявий жараёни ташкил этиш керакки, у белгиланган мақсадни маълум шароитларда ва белгиланган вақт ичида эришишни таъминлашни кафолатлаши керак;

♦ ўқитиш жараёнини якуни бўйича, мақсадни амалга ошириш даражаси тўғрисида конкрет хулоса қилиш мумкин бўлсин.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ўқитиш мақсадлари таълим олувчилар ҳаракатларида ифодаланган таълим натижалари орқали ифодаланади.

Мақсад ва кутилаётган натижаларни белгилашда диққатни

♦ режалаштирилаётган мавзу бўйича БКМни таълим олувчилар томонидан ўзлаштириш даражасига;

♦ режалаштирилган таълим натижаларига эришиш бўйича ўқитувчининг таълим олувчилар билан ҳамкорликда олиб борадиган фаолиятига қаратиш лозим.

Дарс жараёнини лойиҳалашнинг кейинги энг муҳим компоненти кутилаётган натижани ифодалашдир. Кутилаётган натижа ўқитиш жараёнини самарадорлигини акс эттиради, мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди. Ўқитиш ва ўқиш жараёнига қўйилган мақсад кутилаётган натижага мос келгандагина самарали бўлади.

Амалий машқлар ўтказиш

Айрим мураккаб мавзуларни ўқитишда илғор тажрибаларга суянган ҳолда дарсларни ташкил этиш

- дарс жараёнида илғор интерфаол методлардан фойдаланиш орқали дарс самарадорлигини ошириш омиллари.

-Мураккаб мавзуларни ўқитишдаги муаммолар.

-Мураккаб мавзуларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

-Бошланғич таълим фанлар йўналишида мураккаб мавзуларни аниқлаш, ишлаб чиқилган тавсияларни ўрганиш, дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини тўғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги топшириқларни кетма-кет бир бутунликда амалга ошириши керак. Бунда:

1-босқич: Ўқитувчи дастур, дарслик, методик қўлланма ва синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишиб чиқиши лозим.

2-босқич: Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиш, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларини белгилаш.

3-босқич: Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштириш.

4-босқич: Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринни ажратиб олиш.

5-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитиш методларини, воситаларини, технологияларни танлаш.

6-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишнинг етакчи; умумсинфий, кичик гуруҳ ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

7-босқич: Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

8-босқич: Тегишли синф ўқувчилари учун вақт меъёрларига мувофиқ уй вазифасининг мақбул ҳажмини танлаш.

Бу босқични ўрганишда «**Чархпалак**» технологиясидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Мавзуни ўрганишнинг навбатдаги босқичида ўша мавзудаги саволлар таҳлил қилинади. Бу босқичда ҳар бир ўқувчи топшириқни ёзма бажариб, билдирган фикрини асослаб бериши талаб этилади. Бунда «**ФСМУ**» (**фикр, сабаб, мулоҳаза, умумлаштириш**) технологиясидан фойдаланилади.

Демак, бутун дарс давомида метод ва технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги кетма-кетликка эга бўлди:

1.Чархпалак методи.

2.ФСМУ технологияси.

Ушбу кетма-кетлик мавзуни ўрганиш жараёнида бир бутунликда амалга оширилиши керак, шунингдек, мавзунинг ҳар бир қисми учун метод, восита, технологияларни танлаш баробарида ўқитиш шакллари (кичик гуруҳ, индивидуал) ҳам белгилаб борилади.

Дарс лойиҳасини тузишда навбатдаги вазифа бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлашдир. Бунда бажариладиган топшириқлар оддийдан мураккабга қараб бориши лозим. Дарс лойиҳасининг якунида уй вазифасининг мазмуни жой олиши керак. Уй вазифаси дарсда ўтилган материалнинг мантикий давоми бўлиши кераклигини назарда тутиб, юқоридаги мавзу асосида уйга вазифа берилади.

Хулоса сифатида айтиш ўринлики, дарснинг лойиҳасини ишлашда таълимнинг мақсади ва эришиладиган натижалар аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим, шунда лойиҳаланган дарслар билим сифатини кафолатлайди.

Барча умумтаълим мактабларининг бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишда замонавий педагогик, инновацион ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни, метод бирлашма ишларини жонлантиришни, методистлар фаолиятини ривожлантиришни, бошланғич таълим ўқитувчиларини зарур илмий-методик адабиётлар билан таъминлашни, уларнинг методик маҳоратларини ошириш учун узлуксиз малака оширишларини тўғри ва оқилона механизмларини йўлга қўйиш лозим.

Бошланғич методик қўлланмалар ва дарсликларнинг мультимедиа иловалари таълимдаги мавжуд аҳволни яхшилашда қуйидаги тавсияларга риоя этиш зарур:

- Республика миқёсида Тошкент шаҳар ХТББ ММ ва ВХТБ ММ бошланғич таълим методистлари билан чоракда бир марта, йил давомида “Бошланғич таълимнинг долзарб масалалари” бўйича 2 та кўчма ўқув семинарлар ташкил этиш;
- бошланғич синфларда АКТ дан фойдаланиш ва унинг самарасини орттириш учун ҳар бир синф хоналарининг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда бу ўқув хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаш;
- бошланғич синфлар учун “Хуснихат”, “Синфдан ташқари ўқиш” машғулотлари учун ўқув-методик қўлланмалар яратиш;
- 1-4-синф ўқувчиларининг ёши, психо-физиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таълимий ва тарбиявий йўналишларда видеофильмлар ишлаб чиқиш;
- илғор иш тажрибаларни оммалаштириш ишларини жонлантириш, ҳар бир методбирлашма (мактаб), методуюшма (туман, шаҳар), вилоят ММ ва РТМ томонидан илғор иш тажрибалари оммалашган бошланғич синф ўқитувчиларига сертификатлар бериш ;
- ёш ўқитувчиларга мактаб миқёсида тажрибали бошланғич синф ўқитувчиларини бириктириш;
- бошланғич синф ўқитувчисининг ҳафталик дарс юкчасини 20 соат бўлишига эришиш,
- бошланғич таълим методистлари ва бошланғич синф ўқитувчиларининг барчаси ўқув-меъёрий ҳужжатларга эга бўлишига ва улар мазмунини яхши билишига эришиш;
- бошланғич синфлар учун мультимедиа иловаларнинг тегишли фанлар бўйича барча мавзуларда ишлаб чиқилмаганини назарда тутиб, ўқитувчиларни дарсда техник воситаларни қўллаб ижодий ишлашлари учун шароит яратиш, малака ошириш курсларида уларни ушбу соҳага тегишли билим ва малакалар билан қуроллантириш;
- бошланғич синф ўқитувчилари учун бир ойда бир марта (ҳар ойнинг учинчи ҳафтасининг шанба кунлари) туман (шаҳар) миқёсида ҳаракатдаги ўқув- семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан субъект-субъект муносабатларини таъминлаш, ишчан мулоқот, мустақиллик, фаоллик, ҳамкорлик, ўзаро ишончга асосланган педагогик муҳитни вужудга келтириш, “Маҳорат мактаблари”да айнан шу типдаги ўқув вазиятларни яратиш ва амалга ошириш бўйича машғулотларни ташкил этиш;
- бошланғич синф ўқитувчиси компьютер ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларидан ижодий фойдаланиш, амалий-дидактик ўйинлар, педагогик ва ахборот технологиялари асосида билим бериш учун зарур кўникма ва малакаларга эга бўлиши, ўқитувчиларнинг мавзулар мазмунини ёритувчи кўрсатмалар воситалар, тарқатма материаллардан самарали фойдаланишига эришиш;
- бошланғич синф ўқитувчиларида методик қўлланма ва мультимедиа иловалардан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш учун тизимли ўқув семинарларини ташкил этиш;
- бошланғич таълим жараёнини замон талаблари даражасида ташкил этиш, бошланғич таълим бўғинида бўшлиқларнинг юзага келишининг олдини олиш учун таълимни интеграциялаш ва табақалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 71-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида 2014-2015 ўқув йилида 1-синф ўқитувчилари учун 7 номда “Саводга ўргатиш дарслари”, “Она тили”, “Ўқиш”, “Математика”, “Атрофимиздаги олам”, “Русский язык”, “Книга для чтения” номли методик қўлланмалар ва дарсликларнинг мультимедиа иловалари нашр этилиб, умумтаълим мактабларига етказиб берилди. Мазкур методик қўлланмалар ва дарсликларнинг мультимедиа иловалари муаллифлари, олимлар, методистлар билан ўқитувчиларнинг мунтазам учрашувларини ва шу масалага оид ўқув семинарлар ташкил этиб бориш ҳамда 2015-2016 ўқув йили учун 2-синф ўқитувчиларига янгидан 7 номда яратилаётган методик қўлланма ва дарсликларнинг мультимедиа иловаларининг тақдимотларини ўтказиш;
- Халқ бошқарув идоралари билан ҳудудий малака ошириш институтлари ўртасида изчил ҳамкорлик ўрнатиш. Халқ бошқарув идоралари билан ҳудудий малака ошириш институтлари ва умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқитувчиларининг белгиланган муддатда малака оширишини ташкил этишга эришиш учун истикбол режаларини ишлаб чиқиш лозим.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлашда ягона давлат талаблари асосида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқув-адабиётлари билан таъминлаш, педагогларга узлуксиз методик хизмат кўрсатиш вазифасини амалга оширувчи бу- методист ҳисобланади.

Бу жараёнда методистнинг, хусусан, улар орқали амалга ошириладиган методик хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос ўрни, масъулияти, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан методик хизмат кўрсатиш тизимининг изчил йўлга қўйилишига боғлиқ.

Методистлар томонидан қуйидаги вазифаларни тизимли ва аниқ тартибда бажариш механизмларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши ҳудудларда бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қўмаклашади:

- умумий ўрта таълим мактабларининг методбирлашмаси ишларига амалий ва методик ёрдам бериш;
- ўқитувчиларни ўқув-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш бўйича методик тавсия ва қўлланмалар билан таъминланишига эришиш;
- ўқитувчиларга илғор иш тажрибаларини бир-бирлари билан ўртоқлашишга имконият яратиш, илғор тажрибаларни аниқлаш ва оммалаштириш;
- ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш ва касбий тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича “Маҳорат мактаблари”дан фойдаланиш;
- илғор ўқитувчилар тўғрисида маълумотлар банкини яратиш ва уларнинг малакасини ошириш истикбол режаларининг бажарилишини таъминлаш;
- таълим-тарбияни ривожлантиришга ва фанларнинг ўқитилиши сифатини оширишга оид турли анжуман, илмий-амалий конференциялар, ўқувлар, кўрик-танловлар (энг яхши дарс ишланмаси, энг яхши фан хонаси ва бошқалар), Август кенгашлари, илмий-амалий йиғилишларни ташкиллаштириш ва ўтказилишини таъминлаш;
- фанлар кесимида амалий-услубий ёрдам бериши, долзарб масалалар бўйича давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш;
- мактаб ўқитувчиларининг дарсларига кириш, таҳлил қилиш ва методик ёрдам кўрсатиш;

- ўқувчилар билим даражаси (оралиқ, босқичли назорат ва якуний аттестация) натижаларини ўрганиб таҳлил қилиш, аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;
- илғор тажриба мактаби ишини тарғиб қилишда методбирлашмалар, метод кенгаш йиғилишлари ва илмий-методик семинарларни ташкил қилиш;
- ўқув фанлари бўйича ўқувчилар билимининг Давлат таълим стандартларига мослиги мониторинги натижалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, бўшлиқларни тўлдириш ишларини ташкил этиш;
- ўқувчилар билим даражаси, оралиқ, босқичли назорат ишлари ва якуний аттестация натижаларини ўрганиб таҳлил қилиши, аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш ва уларни таълим муассасаларига етказиш;
- мазкур фанлар бўйича методик ишларни мувофиқлаштириши, турли синовлар натижаларини таҳлил қилиши, янги ўқув методик қўлланма ва дарсликлар синовини бўйича материаллар тайёрлаши, методик адабиётлар тўғрисидаги маълумотларни ўқитувчиларга етказиши;
- фанлар бўйича мактаб ва туман (шаҳар) беллашувларини ташкиллаштириши ва ўтказиши, натижасини таҳлил қилиши ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиши;
- Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари тажриба-синовини ишлари бўйича тажриба майдонлари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиши;
- ўқитувчиларнинг дарс жараёнида, амалий машғулотларни ўтказишда жиҳозларнинг сақланиши, улардан самарали фойдаланишини назорат қилиши ва бу борада методик ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширади.

Бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг ҳар бирининг дарсга ижодкорлик билан ёндашишига ҳамда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга эришиш каби долзарб масалалар ва муаммолар албатта ўз ечимини топади. Чунки бу таълим жараёнининг такомиллашувига барчамиз масъулмиз.

Намунавий жадвал

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
 Худудий малака ошириш институти
 ректори _____
 «___» _____ 2015 й.

**Худудий малака ошириш институтлари Халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда
 бошланғич таълим методистлари ва малакали амалиётчи бошланғич синф ўқитувчилари билан
 худуддаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган давра суҳбатлари ва семинар –
 тренинглار ўтказиш режаси**

БУХОРО ВИЛОЯТИ

	<i>Ўтказиладиган давра суҳбатлари- нинг мавзулари</i>	Маъсул шахслар				
		<i>ВММ</i>	<i>Худудий ХТХҚТМОИ профессор ўқитувчилари ва мактабларнинг тажрибали ўқитувчилари</i>	<i>Ўтказиш жойи, туман (шаҳар) ХТМФМ ТТЭБ</i>	<i>Ўтка- зиш усули</i>	<i>Ўтка- зиш вақти</i>
1	“Соғлом фикрли бола давлатимиз таянчи” мавзусида давра суҳбати	ВММ раҳбари, бошланғич таълим методисти	Г.Нигматова - кафедра мудири, Г.Ғуломова - катта ўқитувчи	<i>Ишти- рокчилар сони</i>	Давра суҳбат	март
2	“Бошланғич синф ўқитувчилари нинг касбий маҳоратини ошириш” мавзусида давра суҳбати	ВММ раҳбари, бошланғич таълим методисти	Г.Нигматова - кафедра мудири, Ш.Муродова - катта ўқитувчи		Давра суҳбат	апрель
3	“Математика дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш методикаси” мавзусида семинар- тренинг	ВММ раҳбари, бошланғич таълим методисти	Г.Нигматова - кафедра мудири, М.Нарзиева - катта ўқитувчи		Семи- нар тре- нинг	май
4	“Бошланғич синфларда таълим-тарбия	ВММ раҳбари, бошланғич таълим	Г.Нигматова - кафедра мудири,		Семи- нар- тре-	август

	сифатини оширишда ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиш” мавзусида семинар- тренинг	методисти	Г.Ғуломова - катта ўқитувчи		нинг	
5	“Бошланғич таълим самарадорли- гини оширишда АКТдан фойдаланиш” мавзусида давра суҳбати	ВММ раҳбари, бошланғич таълим методисти	Г.Нигматова - кафедра мудири, Ш.Муродова катта ўқитувчи		Давра суҳбат	сентябрь
6	“Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг мантиқий, ижодий ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш усуллари” мавзусида семинар- тренинг	ВММ раҳбари, бошланғич таълим методисти	Г.Нигматова - кафедра мудири, Г.Ғуломова - катта ўқитувчи		Семи- нар- тре- нинг	октябрь
7	“Соғлом бола – соғлом келажак пойдевори” мавзусида давра суҳбати	ВММ раҳбари, бошланғич таълим методисти	Г.Нигматова - кафедра мудири, Ш.Муродова - катта ўқитувчи		Давра суҳбат	ноябрь
8	“Мураккаб мавзуларни ўтиш бўйича дарсларни интерфаол методлар асосида ташкил этиш” мавзусида семинар- тренинг	ВММ раҳбари, бошланғич таълим методисти	Г.Нигматова - кафедра мудири, М.Нарзиева - катта ўқитувчи		Семи- нар- тре- нинг	декабрь

